



ПРЕСС-РЕЛИЗ

Тошкентда ҳарбий тиббиёт бўйича халқаро конференция бўлиб ўтади

2026 йилнинг 21-23 май кунлари Тошкент шаҳри Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети Ҳарбий тиббиёт институтида "Ҳарбий ва амалий тиббиётнинг долзарб муаммолари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади.

Тадбирнинг асосий мақсадлари:

- Замонавий можаролар ва экстремал шароитларда тиббий муаммоларга илмий ечим топиш.
- Телетиббиёт ва сунъий интеллект каби технологияларни соҳага жорий этиш.
- Ҳарбий ва фуқаролик тиббиёти ўртасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Дастур:

- I. **21 май:** Марказий ҳарбий клиник госпиталда маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида **7 та йўналишда** (торакал, қорин бўшлиғи, юрак-қон томир, травматологик ва нейро жарроҳликлар, гинекологик ва урологик) амалиётлари ва мастер-класслар ўтказилади.
- II. **22 май:** Хирургия, терапия ва профилактик тиббиёт йўналишларида илмий секциялар.
- III. **23 май:** Хорижий Иштирокчилар учун Самарқанд шаҳрига маданий саёҳат.

Иштирок этиш тартиби:

Тадбир **онлайн ва офлайн** форматда, ўзбек, инглиз ва рус тилларида синхрон таржима асосида ўтказилади. Хорижий меҳмонлар учун турар жой (3 кеча) ва овқатланиш харажатлари ташкилотчилар томонидан қoplanади.

Zoom маълумотлари: ID: 842 9094 2061, Код: 457339.

Мурожаат учун масъуллар:

- **Жамшид Амонбаевич Қутлиев:** +998 (55) 506-02-61 | hticonference2026@mil.uz
- **Анвар Акбаров:** +998 (71) 268-59-82 | a_akbarov@mil.uz

Манзил: Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 4-уй.

